

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 2 март. Шанба №18 (878) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz



“МАҲАЛЛА КЎЗГУСИДА”

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАР

Янгиланиш ва яшарини фасти баҳор арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кенг қўлми ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларида вилоятимизнинг қишлоқ ва шаҳарларида томорқадан самарали фойдаланиш, маҳалладаги бўш турган ерлар ва йўл четларида мевали, манзарали ва гул қўчатларини экишни ташкил этиш бўйича бириктирилган сектор, округ раҳбарлари иштирокида бир қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур ойлар домида ўтказилган тадбирларда 850 минг нафарга яқин аҳоли, хусусан, 500 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди. Улар томонидан қарийб 1460 гектар майдон ободонлаштирилди, 1141 тонна маийши ва қурилиш чиқиндилари олиб чиқилди, 930 километрга яқин орик-зовурлар тозаланди. Шунингдек, 20 минг туп мевали, 16 минг туп манзарали ва 19 минг туп гул қўчатлари экилди. 400 мингга яқин дарахтга шакл берилиб оқланди. 516 та кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оиланинг уй-жойларини ҳашар йўли билан таъмирлаш мақсадида ҳўмиларнинг салкам 20 миллион сўмлик маблағи жалб этилди. Қолаверса, Наврўз байрами арафасида ишга туширилган бино, иншоот ва бошқа қурилиш объектларида сўнгги пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Қилинётган ишлар натижасида аҳолига қулайлик яратилиб, улларнинг яшаш шароити яхшиланаётгани қувончли ҳол. Хусусан, Наманган шаҳрида «Даштбў» шаҳаласида табиий газ қувурлари «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси ҳамкорлигида янгисига алаштирилди. «Сардоба» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бир неча маийши хизмат қўрсатиш шохобчалари ишга туширилди ва 50 нафарга яқин аҳоли доимий меҳнатга жалб этилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бақариш органлари нуфузини янада ошириш бўйича алоҳида чоратадбирлар белгилаб берилган. Мазкур дастурнинг келгусида амалга ошириладиган барча эзгу ишларимизда муҳим дастуриямал бўлиши шубҳасиз.

Насриддин САДРИДИНОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Наманган вилояти бўлими раиси.



ТАРАДДУД

БОФ-РОҒЛАР ВА ГУЛЗОРЛАР КЎПАЯДИ



Обод турмуш йилида атроф-муҳитни манзарали дарахтлар билан бойитиш, экологик вазиятни янада барқарорлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Мустақиллигининг 22 йиллигига — 22 туп қўчат» шиори остида ҳар бир юртодошимизнинг маҳалла, хонадон ва йўл четларида камидан 22 туп мевали ва манзарали дарахт қўчати экиш ташаббуси кенг қанот ёзмоқда.

Шу кунларда Самарқанд вилоятининг барча маҳалла гузарлари, корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида қўчат экиш, боғ яратиш ишлари тайёргарлик қўриляптир. Бу юмушларни оби-тобидо амалга ошириш, экиш учун кафолатли дарахт қўчатлари тайёрлашга жиддий киришилган. Хусусан, вилоятдаги марказий ўрмон хўжалиги тасарруфидоги барча ту-

ман ва шаҳар ўрмон хўжалиги бўлимлари, ишлаб чиқариш участкаларида бутунгача 4,2 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали қўчат тайёрлаб қўйилди. Қўлаб корхона-ташкilot, муассасалар ходимлари бу ердан можживельник, шарқ арчаси, каштан, япон сафораси, элдор қарағайи каби манзарали ҳамда ўрик, шафтоли, ёнғоқ сингари мевали дарахт қўчатла-

рини олиб кетишмоқда. Ўрмон хўжалигининг 400 нафардан зиёд ходими жойларда экилган ва экилажак ҳар бир қўчатнинг бир текис униб-ўсиши, барпо этилган гулзор ва боғроғларнинг келгусида тўла парварош қилинишини назоратта олишган. Вилоятнинг Жомбой, Тайлоқ, Оқдарё, Пастдаргом, Каттақўрғон, Нарпай, Иштихон туманларида аҳоли ва корхона-ташкilotлар учун қўлай жойларда, шунингдек, марказий ўрмон хўжалигининг Катта Ўзбек тракти йўлига яқин жойида 31 турдаги мевали ва манзарали қўчатлар савдоси йўлга қўйилди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Маҳалла»

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «Ўзбек модели» бутун дунёнинг тараққиёт сари интиляётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириляётган туб илоҳотлар юксак самаралар бераётгани вақтининг ўзи қўрсатиб турибди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган.

Масалан, Давлат дастурининг бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маийши шароитларни яратиш, янги турар-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўй-

ча аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар кенг қўламда қуриляётгани ва тегишли инфратузилма шакллантириляётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратиляётгани ҳамда гамхўрлик қўрсатиляётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайри ишлар қўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта яқка тартибдоги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтириляётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги қўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан

ташқари, жорий йилда ёш оилаларга ялаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортқ ипотека кредитлари берилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қуриляётган яқка тартибдоги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақаларо сув ўтказиш иншоотларини қўриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

> [2]

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққиёт этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хомашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омил сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал сурьатлар билан олиб боришмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб боришмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эълитроф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қуришмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотозлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли усуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати қўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар Академияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қўш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган

(Давоми 2-саҳифада)

МАҲАЛЛА — КЎПМИЛЛАТЛИ АХИЛ ОИЛА

ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР УЙҒУНЛИГИДА

Мамлакатимиз раҳбарининг: «Биз қозоқ, туркман, қирғиз ва тожик халқи билан минг йиллар давомида ахил бўлиб яшаганимиз ва ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайдми», деган сўзлари асллар давомида шакланган ва бутунги кунда ҳам тобора қадр тошиб бораётган эзгу анъана ва қадриятларнинг муштараклиги ва барқарорлигида ҳам ифода этади.



Дарҳақиқат, бутунги кунда юртимизнинг барча маҳалаларида турли миллат вакиллари ахил-ниқоқда истиқомат қилишмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида 30 га яқин миллат вакиллари оғанидек яшайди. Бу республикамиздаги барча миллат ва элат вакилларининг тенгқўққилиги ва фаолиятлари учун кенг имкониятлар яратилганидандир.

Юртимизда қарор топган тотувлик ҳақида Вашингтондаги Ж.Хопкинс но-

мидаги университетнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти етакчи эксперти Афтоб Кази шундай дейди: «Ўзбек жамияти маданиятлараро ва динлараро бағрикенглик маскани. Ишонч билан айта оламаники, ўзбеклар дунёдаги энг бағрикенг халқ. Албатта, турли маданиятлар, анъана ва удулар уйғунлигини таъминлаш осон эмас. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг сай-ҳаракатлари ва ташаббуслари таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон раҳбарининг оқилона сиёсати ва узоқни кўра билиши юртингизда маданиятлараро ва динлараро уйғунликни таъминлаш ва улارни бир-биридан ажратмаган ҳолда ривожлантиришнинг кафолатидир».

Дарҳақиқат, ўзбек ва туркман миллатлари ҳам этник келиб чиқишига кўра бир-бирига яқин. Қолаверса, бу халқларнинг тили, анъана ва урф-одатлари узаро боғлаб туради. Ҳар икки халқни тарихий аҳамиятга эга «Ўруғли» туркум дostonи янада жипс-лаштиради.

> [2]

ЭЪТИРОФ

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК УСТУВОР

Мактабда ўқиб юрган кезларим аксарият фанларнинг асосчилари Марказий Осиёдан, аниқроғи, Ўзбекистондан экани ҳақида устозларим тўққиналиб гапиришарди.

Мисол учун, «алгоритм» сўзи Ал-Хоразмий, «медицина» эса Ибн Сино номидан олинганини эшитиб, ўқитувчиларим ҳақ эканига дилдан ишонч ҳосил қилардим. Дунё имлодини таъминлаш бешик булган бу дийрдан қўлаб мутафаккирлар етишиб чиққанининг боиси нимада эканини ўйлаб қолардим...

Утган йили Сеул университети қошидаги академик лицейини тамомладим. Юртингиз ҳақида интернет орқали ўзимга керакли маълумотлар, аниққса, таълим тизимидаги илоҳотларни топиб, ён дафттарчама қайд этиб борганим са-

баб Ўзбекистонга келиб ўқишни орзу қилардим.

2012 йилнинг 17 февраль кунини Тошкентда утган «Юксак билими ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этиштириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусидаги халқаро конференцияда Президент Ислам Каримовнинг нутқи менда унутилмас таассурот қолдирди ва шу тўғрисида мен ўз олдимига қўйган мақсад, яъни юртингизда тахсил олишга эришдим.

Аввалига ота-онам Тошкентда

ўқишимга рози бўлишмади. Опам Сеул давлат университети талабеси. Унинг бухоролик Гулжамол исми сабоқдош дўгонаси бизниқида меҳмон бўлиб, Ўзбекистон ва унинг меҳмондўст халқи ҳақида гапириб беради. Бора-бора яқинларим ҳам Ўзбекистонда ўқишимга рўйхушлик бера бошлади. Ҳатто отамнинг ўзи мени бу ерга олиб келиб, бир ойча яшайди.

Мана, ҳозир Ўзбекистон Миллий университети талабасиман. Домлаларимиз бизга дарс давомида одамийликдан ҳам сабоқ бермоқдалар.

Ўқиш-ўрганиш яхши, албатта. Аммо мени хурсанд қиладиган жиҳати бу — дунёнинг қўлаб давлатларида, шу жумладан, бизда ҳам тобора таққиллашиб бораётган меҳр-оқибат, бағрикенглик ва

меҳмондўстлик каби фазилатлар халқингизнинг табиғати сингиб кетгани.

Табиятан унча киришиман эмасдим. Тошкентга келган чоғимда қўшиларнинг ҳолаҳвол сурашиши менга эриш туюларди. Ҳатто бир марта ўзим яшайдиган Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дилора Ҳакимова келганда эшикни очмаганман. Кейин билсам, у мени байрам дастурхонига таклиф қилиш учун келган экан. Ҳозир анча одамхон бўлиб қолдим: кўни-қўшниллар билан суҳбатлашяман, маҳалладаги тадбирларда қатнашялман.

Бъзъан ижарага олган уйни алмаштиришга тўғри келади. Кўчқўронимни ташиб кетишга қийнамайману, аммо маҳаллани, у

ерда меҳнат қилаётган меҳридарё инсонларини тарқ этиш оғир туюлади. Чунки мени улларнинг ёрдами билан ўзбекона урф-одат ва миллий анъаналарга мослашяётган бўламан.

..Ўзбекистонга келиб, Сеулдаги устозларимнинг мени хайратта солган гаплари, яъни юртингиздан бунчалик кўп алломалар етишиб чиққанини ашгай бошладим. Адолат, меҳр-оқибат, ҳалолик, фидоийлик ва тўғрисиқлик устувор булган дийёр фарзандларини дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўша олар экан.

Кахён БУ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 1-босқич талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-саҳифада).

Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белги-лансин:

қуёш энергиясидан саноят кўламини фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишлан-маларни амалга ошириш;

илгор ва иқтисодий жиҳат-дан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциал-дан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқлари-да фойдаланиш, шу жумладан махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик иш-лов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳаси-даги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш бо-расидаги ишларни мувофиқ-лаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолият-ини ташкил этиш ва уни мо-лилаштириш манбалари бўй-ича қарор қабул қилсин.

3. Мазлумот учун қабул қилинсинки, «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Suntech Power Co.» (XXP) компанияси уртасида «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни тенг улушларда молиялаштир-ган ҳолда энг замонавий техно-логияларга асосланган 100 МВт қувватли фотозлектрик панел-лар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

«Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбе-кистон Республикаси Иқтисо-дий вазирлиги, Ташқи иқтисо-дий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа ман-фаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган мuddатда фотозлектрик панел-лар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича

бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 30 МВт булган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топ-шириш, 2015 йилда лойиҳа қув-ватига эришни назарда тутил-син. Бу ўринда корхона томи-нидан ишлаб чиқариладиган мах-суслотда эҳтиёж ва уни со-тиш бозорларини чуқур таҳ-лил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Мо-лия вазирлиги ва «Ўзбекне-ро» ДАКнинг Самарқанд вило-ятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотозлектрик станцияси-ни куриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекэнерго» ДАК уч ой мuddатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё та-раққиёт банкнинг имтиёзи, кредити ва Ўзбекистон Респу-бликаси Тикланиш ва тараққи-ёт жағмармасининг маблағла-рини жалб этишни назарда тутган ҳолда, лойиҳанинг тех-ник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартиб-да тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳоким-лиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган мuddатда «Ўзбекэнерго» ДАКга электростанцияни куриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисо-дий вазирлиги, Ташқи иқтисо-дий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия ва-зирлиги, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфа-атдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжаик бирлашмалари би-

лан биргаликда бир ой мuddат-да Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтиларининг маблағла-рини жалб этган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пи-лот лойиҳалар рўйхатини иш-лаб чиқиш ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисо-дий вазирлиги халқаро экс-пертлар иштирокида икки ой мuddатда хорижий мамлакат-лар тажрибасини ҳисобга ол-ган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчи-лар ва фойдаланувчиларни ра-батлантириш, уларга солиқ ва бошқона имтиёзлари ва афза-ликлар бериш бўйича Вазир-лар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ман-фаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида хал-қаро молия институтилари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказла-ри ҳамда теҳнологик ускуна-лар ишлаб чиқарувчи компа-ниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фан-лар академияси, «Ўзбекне-ро» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 яри йилигича Вазирлар Маҳкамасига «Му-қобил энергия манбалари тўғрисидаги» Ўзбекистон Рес-публикаси Қонун лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг иж-росини назорат қилиш Ўзбе-кистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зим-сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 1 март

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

ОВУЛДОШЛАР ҲАР ИШДА МОҲИР

Гуадурсун номини эшитган кишининг кўз одди-га қадимги афсона ва эртаклардаги тарихий қалъа намоеъ бўлади. Бироқ кўҳна қалъа номи билан ата-ладиган овулимиз бугун замон билан ҳамнафас. Ай-ниқас, ўтган йили овулимиз тарихида қувончли во-қеалар кўп бўлди.

Гуадурсунда амалга оши-рилган бунёдкорлик ишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, томоққадан оқилонга фойдала-нишга эришишдек сай-ҳара-катларимизга юқори баҳо бе-рилоб, «Энг намунали ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг Қорақал-поғистон Республикаси бос-қидада голмобилини қўлга ки-ридик.

Обод ва фаровон маҳалла шу ерда истиқомат қилаётган инсонларга фахр туйғусини улашаётир. Илгари иллик таас-суротлар уйғотмайдиган, қаровисиз аҳволда ётган Гу-адурсун қалъаси тарихга муно-сабат ўзгаргани боис овулош-ларнинг гурурига айланди. Ўзоқ тарих билан алоқадор қўрган қолдиқлари юрт қадрини ва ҳақ жасоратини дарақ бериб туради. Қадим истеҳком харобалари бағри-да яна ҳаёт кизгин, у авлод-лар ва аждодлар уртасида муштарак кўприк вазифаси-ни ўтаб келмоқда.

Овулимизда турли миллат вакилларидан иборат 8212 на-фар аҳоли истиқомат қилади. Миллатлараро тотувлик ютуқ-ларини қалити, десам ақша-майман. Бизда яхши қўшни-чилик, ёрдамга муҳтожлар,

Омон Ҳамраев «Диаломон-нақ-қош» хусусий корхонасини ташкил этиб, қундалик тур-мушда асқотадиган буюмлар ясаб, аҳолига ёрдами тегаёт-тир. Қолаверса, у қишлоқнинг кўлаб ёшларига наққошлик сирларини ўргатапти.

Аҳоли бандлигини таъ-минлаш борасидаги саяёҳ ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, 14 нафар оила каса-начилик билан шугулланяпти. Худудимизда новвойхона, сартарошхона, гўшт дўкони очилгани ҳисобига 8 та иш ўрни яратилди.

Овулда жиноятчилик билан боғлиқ ҳолатлар барҳам топгани аҳолини фойдали иш-ларга жалб этганимиз натижа-си, албатта.

Дарвоқе, Гуадурсун аҳли ҳалол меҳнатдан кўп даромад топишининг ҳақисини олганлар-дан. Ўтган йили мавжуд 379 гектар майдондан 700 тонна галла ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиш-тирилган бўлса, жорий йил-даги кўрсаткичининг янада юқори бўлиши учун амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Зотан, обод турмуш, аввало, оилаларнинг, маҳалланинг са-ранжом-сарипшалигидан бош-ланади. Шундай экан, жорий йилда ҳам режадаги хайрли амалларимизни овула ва ову-лошлар ҳаётига татбиқ этиш-га алақадор киришганимиз.

Камалатдин ШАРИПОВ, Эликқалъа туманидаги Гуадурсун овул фуқаролар йиғини раиси.

АСОСИЙ ВАЗИФА – ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

< [1]

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсати-ни амалга ошириш доирасида ҳўдулар аҳолисини ишончли ва узулқис электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг му-ҳим вазифалар сирасига кире-ди. 2013 йилда Талимаржон ис-сиқлик электр станциясидан «Сўтдиёна» ПСҗага 215,8 кило-метр узунлиқда 500 кВ юқори кучлининг электр узатиш ли-нияси курилади. Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартиб-даги уй-жойлар куриладиган қишлоқ массивларида узунли-ги 239,4 километр 0,4-10 кВ юқори кучлининг линияси кури-лади ва 155 трансформаторли кичик станциялар ўрнатилди. Мамлакатимиз ҳўдуларини ривожланти-ришга 1775,6 километр 0,4-10 кВ юқори кучлининг линия-си ва 434 трансформаторли ки-чик станцияларини реконструк-ция қилиш, узунлиги 9312,3 ки-лометр шундай электр узатиш линияларини ҳамда 4733 кич-ик станцияни капитал таъмир-лаш кўзда тутилган.

Давлат дастурида ҳўдулар аҳолисини газ билан таъмин-лашни яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада 254 километр газ тақсим-лаш тармоқлари курилади ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик ком-панияси тасарруфидаги газ тақ-симлаш тармоқларининг 280 ки-лометр капитал таъмирланади. Яқка тартибдаги 353 қишлоқ массивларида узунлиги 393,65 километрига газ қувурларини ўтказиш кўзда тутилган.

Аҳолининг иссиқлик билан таъминлашни даражасини оши-ришга ҳам катта эътибор қарати-лмоқда. 2013-2020 йилларда мамлакатимизнинг 28 йирик шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тасдиқланган ҳамда бу борада-ги ишлар бошлаб юборилди. Жорий йилда 16 шаҳар ҳамда 67 туман марказларида коммунал дренаж тизимларини реконструкция қилиш ва капи-тал таъмирлаш ишлари амалга оширилади, насос ускуналари модернизация қилинади, янги қудуқлар ишга туширилади ва улар тегишли равишда жиҳоз-ланади.

Одамлар турмуш сифатини ошириш кўп жиҳатдан шаҳар ва қишлоқларда замонавий йўлар ва муҳандислик-коммуникация инфратузими ривожлантириш, автомобиль йўларининг ўтказувчанлик имкониятини кен-гайтириш, йўл қопламаси сифа-тини яхшилаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ.

Давлат дастурига мувофиқ маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган 137,3 кило-метр автомобиль йўллари капи-тал таъмирланади, 353 қишлоқ жойдаги намунавий уй-жой ма-сивларида олиб борадиган 239,1 километр узунлиқдаги янги ав-тоуўлар курилади. Самарқанд, Ўрағчи, Фарғона ва Навоий ша-ҳарларида узунлиги 39,7 кило-метр кўчаларни куриш, рекон-струкция қилиш ва капитал таъ-мирлаш режалаштирилган. Бун-дан ташқари, Ўзбекистон мил-лий автотоматизирал таркибига кирадиган М-39 «Тошкент-Тер-миз» ва 4Р-87 «Ўзур-Чим-Қўқа-ла» автоуўли реконструкция

қилинади. Жорий йилда транспорт ин-фратузими ҳам янада ривож-лантирилади. Мамлакатимиз-нинг барча ҳўдуларида 48, шу жумладан, қишлоқ жойлар-да 42 янги йўловчи ташилиш йўналишларини очиб режалаш-тирилмоқда. Автоспорт парк ҳам янгиланади. 400 та «Исузу» ва 100 та «Мерседес» русумли ав-тобуслар харид қилинади.

Йўловчиларга хизмат кўрсати-ш сифатини ошириш учун унта автовокзал ва тўртта ав-тостанция ҳудудини ободон-лаштириш кўзда тутилган. Жа-моат транспорти тўхтайдиган бекатларнинг қиёфаси замона-вий талабларга энг илгор, шу жумладан, ахборот техноло-гиялари қўлланилмоқда ва бу улар-нинг жадал ривожланишига хизмат қиломоқда. Мисол учун, рақамли телевидениега босқич-ма-босқич ўтиш, Хоразм, Жиз-зах, Тошкент ва Фарғона вило-ятларида ана шундай имкон-иятларни янада кенг рўёбга чи-қариш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мамлакатимиз-да одамлар турмуш сифатини юксалтириш, янги иш ўрни-ларини ташкил қилиш ҳисобидан уларнинг даромадини кўпайти-ришга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларнинг муҳим қис-мидир. Шу мақсадда мамла-катимиз ҳўдуларида чакана сав-до ва умумий овқатланиш тар-моқларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Аввало, қишлоқ жойларда бундай объекти-ларни куришга оид ҳудудий манзил-ли дастурлар ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, ҳўдулар-да автомобилларга газ тўқдир-гич 26 компрессор станцияси-ни куришни транспорт хиз-матини такомиллаштириш, ёқилги нефть маҳсулотларини тежаш ва экологик вазиятни янада яхшилаш имконини бе-ради. Бу ишлар Давлат дасту-рида режалаштирилган ҳамда энергия ва ресурс тежайдиган технолологияларни жадал жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оши-ришининг муҳим қисмидир.

Масалан, жорий йилда бино ва иншоотларнинг энергия са-мардорлигини ошириш мақса-дида «Навой» эркин иқтисодий индустриал зонасида фото-электр панеллар, 10 минг дона замонавий, самарали иссиқлик

навий эҳтиёжларини қондириш, ўзбекистонлик туркманларнинг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ва бошқа миллий-маданий марказ-лар билан ҳамжиҳатлик тамойил-ларини қарор топтиришга қара-тилган. Ҳозирда юртимизда турк-ман миллатига мансуб бир юз ет-миш мингдан зиёд аҳоли истиқо-мат қилади.

Бир дарёдан сув ичадиган бу икки халқ уртасида ўзаро ишонч ва яқин дўстлик алоқа-ларини уларнинг маҳалладош, солиқанди, — дейди Туркман ма-даният маркази раҳбари Урому-роф Қўрбонов. — Бу Юртбоши-мизнинг миллатлараро муноса-батларга булган эътибори ва ғамхўр-лиги нишонасидир. Маданият марказимизнинг асосий вазифа-си миллатлараро муносабатлар-ни янада мустаҳкамлаш, мамла-катимизда яшаётган турли мил-лат вакиллари билан миллий-маъ-навий эҳтиёжларини қондириш, ўзбекистонлик туркманларнинг урф-одат ва анъаналарини сақлаш ва бошқа миллий-маданий марказ-лар билан ҳамжиҳатлик тамойил-ларини қарор топтиришга қара-тилган. Ҳозирда юртимизда турк-ман миллатига мансуб бир юз ет-миш мингдан зиёд аҳоли истиқо-мат қилади.

Бундан ташқари, фаол-лар ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун ту-зилган нурунийлар гуруҳидаги отақон ва онақонлар турли мил-лат вакиллари билан таркиб топган.

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»

МАҲАЛЛА — КўПМИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАР УЙҒУНЛИГИДА

< [1]



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

БИЛИМ ВА МАЛАКА — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Васила опа аёллардаги сабрлик, мурасасозлик, удабуронлик, тадбирлик хислатларини қадрлай-ди. Ахир, ёш оиланинг турли синовлар ва ҳаёт суқмоқларидан эсон-омон ўтиб олишида хонадон чароғбони бўлган аёлдаги бу фазилатлар муҳим аҳамият касб этади-да.

Шу боис, опа оддига арз билан келган Заҳрон аччиқ гап билан уришди, ширин суз билан мурасога ундади. Заҳро рузгор-даги вақтинчалик иқтисодий етишмовчиликдан нолиб, эри билан ажралишга аҳд қилганди. Унинг бундай қарорга келишига уртада уч нафар фарзанди бор-лики ҳам тўсиқ бўлолмаганди. А.Матқўболов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини Хотин қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Васила Маҳмудова мазкур оила-га ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатди. Ҳозир оиланда эр-хотин иккаласи ҳам доимий иш ўрнига эга. Уч нафар бола ота-она меҳридан баҳра олиб камол-га етаётир.

— Қишлоқ фуқаролар йиғи-ни ҳудудда етита маҳалла мав-жуд. Васила опа ҳудуддаги ва-зиятдан, одамларнинг дунё-қарашини ва илтишларидан до-имо бохабар, — дейди «Маҳал-ла» хайрия жамоат фонди Қиб-рай тумани бўлимаси бош му-тахассиси Д.Турсунова. — Одам-лар билан киришиб кетиш ва

самарали иш юритишида опа-нинг 35 йилдан ортиқ ўқитув-чилик касбига фаолият кўрсати-гани қўл келмоқда. «Халқ таъ-лими аълочисини» унвонига ҳам таълим соҳасидаги фидойи меҳ-натлари эъзиги эришган.

В.Маҳмудова 2012 йилда Республика Хотин-қизлар кўми-таси томонидан ўтказилган «Энг намунали хотин-қизлар кўми-талари бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли иккинчи ўринини эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-зирлиги томонидан ўтказиб ке-линётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танло-вининг жорий йилдаги якуний босқичида эса «Энг фалол хотин-қизлар кўмитаси раиси» номи-нациясида голмоб, деб топилди.

Бундай босқич эътирофлар-га муноярраф бўлиш замирида жуذا кўп меҳнат, қуноқчилик, фидойилик фазилатлари мужас-сатини рост. Унган ун йилдан кўпроқ вақт мобайнида хотин-қизлар билан ишлаш асносида

у аёлларнинг ҳўқуқий саводхон-лигини оширишга алоҳида эъти-бор қаратди. Негаки, ўз ҳақ-ҳўқуқлари, мажбурият ва бурч-ларини яхши биладиган хотин-қизлар фарзанд тарбияси, оила-даги маънавий муҳит барқарор-лигини асраш, тиббий билим ва иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни ҳам жуذا яхши би-лишади. Аёлнинг ана шундай билим ва тажрибага эга бўли-ши оилалардаги ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини мустаҳ-камлашда асқотди.

Таълим муассасаларида ўткази-ладиган давра сўхбатларида Ва-сила опа туман ФХД мудираси Гулсара Юсупова, «Дўрмон» қишлоқ врачлик пункти муди-раси Гули Тўхтаева билан ҳамкор-

лаш бошлаганидан, манфаатлар-нинг муштараклиги ва кенг қўла-ли ҳамкорлигининг ривожланиб бораётганидан ўзбекистонлик турк-манлар фахрланадилар.

Бугун мамлакатимизда шак-ланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фао-лиятини янада кенг қўла-ли вакилларининг иштирокини алоҳида татиқлаш ўрнили. Хусусан, «Наврўз» маҳалласи оқсоқоли-нинг миллати туркман. Қолавер-са, йилнинг қошидаги ҳар бир жа-моатчилик комиссиялари вакил-лари орасида уларнинг иштиро-ки бор. Бундан ташқари, фаол-лар ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун ту-зилган нурунийлар гуруҳидаги отақон ва онақонлар турли мил-лат вакиллари билан таркиб топган.

Нурилла ЧОРИЕВ «Mahalla»

лашиб олдим. Бугун бекорчилик-дан листа чақиб ўтирган бола эрмага қашандилик, ичкимкоз-лик, худо кўрсатмасин, гиёҳван-дликка ҳам мубалто бўлиб қоли-ш ҳеч гап эмас. Сайёҳаркат-ларимиз зое кетмади. Номдор уларга шогирд бўлган йилгит ҳозир ҳақ амалий санъати ус-таси, уларини чиройли таъмир-лаганини кўриб, ҳавасингиз ке-лади, қўмилу. Қуни кеча кўча-да кўриб қолм: «Ҳаётимни ўз вақтида тўғри йўлга солгани-гиз учун сизга катта раҳмат», деганида тўқналагит кетдим.»

Ҳа, Васила опа тиниб-тинчи-майди, лоқайдиқ унга бетона.

Ф.ЭҒАМОВА «Mahalla»

ТҒЙҒУ

БАХМАЛ ВОДИЙЛАРДА, ҚИРЛАРДА БАҲОР



лутлар эғаллаб, ёмғир ёғади. Аммо ҳаммаси уткинчи. Қанча инжиқлик қилмасин, барибир, у агрофни кўкликка чулғаб, чиройини тудалиғича бизга бахшда қилади.

- Салқин сахарларда, Бодом гулида, Бинафша лабда, ерларда баҳор. Қушларнинг парвози, елларнинг ноизи, Бахмал водийларда, қирларда баҳор.

Баҳорнинг ик қунида тавалуд топган, оламин тимсоллар кўзусида тасаввур этган атоқли шоира Зумфияхонимнинг ушбу сатрларини ўқиркансиз, қалбингизга баҳорий жўшқинлик, баҳорий кайфият кириб келади. Ушбу шеърда сиз баҳорнинг гўзал тароватини ҳис қиласиз.

Баҳор сабаб инсонлар қалбидан умид гуллайди, муҳаббат куртак ёзади. Гузаллик кўеши чарақлайди. Қир-ақирлар келимлик селини ёяди, қушлар куйлашни бошлади. Ҳаммаси баҳор туйғайди.

Шу уринда, серкуёш Узбекистонимизга келган уйғонини ва янгилашни фасли баҳор ҳар бир юракка кириб борсин, меҳр-муҳаббат бўлиб юз очсин деймиз. Бинобарин, эртанги кунга умид ва ишончин ортирувчи, яхшиликка ундовчи пок туйғулар муҳаббат жўш урган юракларда пайдо бўлади. Типчлик, тараққиёт йулидан собит қадамлар билан бораётган меҳнатсевар ҳаққимиз ва она-Ватанимизнинг келажаги баҳордек тароватли бўлсин! Баҳор нафосати барчамизга бахт келтирсин!

Меҳринисо УСМОНАЛИЕВА, Тошкент фармацевтика институти талабаси.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

Кўклам ялпизиде мингта синоат

Ялпиз ифорини туйма туйриб, кўкламни ҳис қилиш мумкинми? Албатта, йўқ! Ахир, ялпиз баҳор дарақчиларидан бири.



Шунингдек, меъда-ичак йўли оғриқлари, қабзият, меъда кислотаси ошиши, сарик ва ўт-тош касалликлариде ялпизли дамамамар буюрилади.

Ялпиз таркибиде эфир мойлари (ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, ясмин), органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, глюкоза, рутин, С витамини, минерал тузлар мавжуд.

Замонавий тиббиётда ялпизнинг терапевтик ҳусусияти қадрланади. У оғриқ қолдирувчи, ялғилашига қарши курашувчи, томирни кенгайтирувчи ва тинчлантирувчи воситадир. Жигидон қайнаши, қорин дамашини қайтаришда ердэм беради. сафроний ҳайлайди. Ялпиз, айниқса, жигар учун фойдали бўлиб, ушбу аъзони тозалайди.

Агар ангина, тумов, бронхит қийнаётган бўлса, ялпиз ёрдам беради. 1 ош қошиқ қуриланган тийб баргларини олиниб, устидан 1 стакан қайнаган сув солнади ва 15 дақиқа дамаб қўйилади. Сунгра сузиб ичилади. Тумовда ялпизли дамама билан ингалация қилиш бемор аҳвомини яхшилайд.

Ялпиз фойдали тийб бўлса, уни куп миқдорда ишлашиши уйқунинг ёмонлашини ёки юрак оғриғига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, қон босими паст ва томирлар тонуи сўст бўлганда ҳам ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланган маъқул.

Ф.ЭГАМОВА тайёрлади.

Инсон умрининг югуриклиги рост. Мана, замин узра ҳукмини утказган кумш қишни ҳам кузатиб кўйдиқ. Юзни беозоргина чимчилаб қўядиган изгиринлар, қалбада ҳам ширин, ҳам маъзун хотираларни уйғотувчи оппоқ қорлар биз билан хайрлашди.

Заминимизга ўз гузаллигини кўз-кўз қилувчи фаслар келинчаги, яшарини ва уйғонини мавсуми — баҳор келди. Шамола кўклам ифорини бутун оламга ёймоқда.

Ҳадемай дарахлар гулга бурканиб, сизу бизнинг кузимишни, дилмишни қувнатади. Фасли баҳорда бутун борлиқ ўзгача қийфага кириб, табиат энг ёрқин рангларда жилаланади. Тирек жон борки, кўешига талинади, унинг тафтидан баҳра олади. Қор тагидан бинафша муралайди. Қаҳратон со-

вўқда бардоши бу тул баҳор ва кут-баракат элиси.

Энди куртак ёзган дарахларнинг шабада куйига тушаётган рақсалари нақақар фусункор. Буй кўрсаётган ҳар бир тийб жўшқин ҳаёт қушигини куйлаётгандек гўе. Бойчечаклар музларни ёриб, баҳор келганини жаҳонга овоза қилаётир.

Баҳор насимидан инсон ўзини бардам ҳис этади, дили шодланиб, туйиб нафас олади. Зеро, донишмандлар: «Баҳорда дори-дармон истеъмола қилган-

дан кўра, соф ҳавода булган маъқул», деб бежи айтишмаган.

Баҳор инсоннинг йил буйи соғлом бўлишида ик босқич. Чунки бу фаслда танада оксидланган жараёни табиий тарзда ривож топади. Хужайралар ўсиб, инсон кўклам нафасидан, табиат уйғонишидан баҳраманд бўлади. Мовий осмон ва ямшил майсалар асабини тинчлантиради, кунгилга осойишталик бағишлайди.

Баҳор бизларни ташлаб кетади, дейишади. Аслида, ундай эмас. Шунчаки баҳор соғинтиришни яхши кўради. Қадрини билади. У чин вафодор! Ҳаммаша ўз тапирини билан қалбларни яшартириб, кунгилларни хушнуд қилаверади.

Тўғри, баҳорнинг ҳам ўз инжиқликлари бор. Тип-типч осмон бағрини бир зумда бу-

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

ЭНГ САРАЛАР МАЙДОНДА БЕЛЛАШАДИ

ТАЭКВОНДО

Пойтахтликлар биринчи

Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида таэквондо (ITF) буйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати якунланди.



вазифасини ўтади. Яққам-яққа беллашувда пойтахтлик М.Ақбаров, С.Салимов, И.Даминов, Д.Ирисбоев, Тошкент вилоятидан С.Ҳусанов, сирдарёлик Ж.Ҳамдамов, фарғоналик Ш.Бахтиёров ва бухоролик М.Қазақов ўз вази тоифаларида олтин медални қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида тошкентлик Ф.Алиева, бухоролик М.Розиқова, Ш.Ҳалимова, Г.Жураева, фарғоналик Д.Ҳошимова, самарқандлик У.Эшқувватова голий ва совриндорлар қаторидан жой олади.

Комплекс машқ бажариш буйича совринчи ўринлар пойтахтлик спортчиларга насиб этди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи, бухоролик спортчилар иккинчи, фарғоналик ва сирдарёлик таэквондочилар учинчи ўринни эғаллади.

Турақурғон тумани Сайрам қишлоғидаги «Чуст-кўприк» маҳалласида юртимиз довуғини дунёга тараққиланган спортчилар етиштиб чиққан. Айниқса, Тўйчи полков Сиддиқов номидаги кураш мактаби тарбияланувчилари эришаётган муваффақиятлар эйтиборга молик.

Хусусан, белбоғли кураш буйича уч қарра жаҳон чемпиони Рустам Умаров икк сабоқни шу мактабда олган. Тўққиз ёшидан кураш билан шуғуллана бошлаган иқтидорли болакай устозлари Нурриддин Ғозиев ва Нелматжон Тўйчиевдан ўрганган белбоғли кураш усулларини тез ўзлаштирди.

2001 йилда республика миқёсидаги турнир ва биринчиликларда ўзини кўрсата бошлаган Рустам 2002 йил Фарғонада, бир йилдан сўнг Хоразмда мактаб уқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида биринчи ўринни эғаллади. Наманган

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

БЕГОНАГА АЙЛАНГАН ОДАМ

Осмонталаш чўққилар ҳам кўринмайдиган бийдай далада жинжақдан бошқа нарса битмаганиданми, ўн ўтовли овулни Миср қарвон Жинжақли, деб атаган. Қарвон кўнгириги садосини таратган шамол йилларни-да совириб ўтаверди. Даштда эсган совуқ еллар кўзи алифни таниганини, саводи борни қулиб-узиб ташлайверди. Қора тун бағрини ечиб, кутарилган ҳилол ҳам Жинжақлига қовоқ солиб боқди.

Бухор махсум яқтагини ташлаб эғнага камзул илди. Бухор махсум — Бухор муаллими айланди. Тенг-тўшдан гумонсизради, қўрқди. Узини олиб қочди. Аммо эл болаларини узиға яқин олади, сабоқ бериб уларнинг саводини чиқарди. Жинжақлида кимки оғиз жуфтлаб эл оадиға чиққан бўлса, бу Бухор муаллимининг хизмати-ҳиссаси эканини айримлар билади.

Ундан сабоқ олганлар қанча кўп бўлса-да, махсумча йўқлар шунча кам эди. Фақат Гўччининг ўғли Жовлини истисно этганда. Гўччининг ўғли сабоқдан сўнг ҳам махсумнинг хонадонидан нари кетмади. Қарға кўрғанини чўққиландай, устоз ҳам борини берди.

Шогирд мўйига сабаза уриб устоз билан бўйлашганида аскарликка кетди. Оққайиналар орасидан Жинжақлига мактублар қанот ёзди. Жовли сўради:

қитъа чемпионатида ҳам шоҳсуланинг энг юқори поғонасига кутарилади. Кўлаб халқаро турнирларда бош совринга эғалик қилди. Унинг спортда эришаётган ютуқлари муносиб тақдирланиб, 2008 йилда Президентимиз совғаси — «Матиз» автомабили билан тақдирланди. Бугун Рустамга ҳавас қилиб, унинг ортидан эғашаётган спортчи ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

— Ҳўуду аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Матлуба Фозилова. — Дарсдан бўли вақтларида уларнинг ақсариятини маҳалла стадионидан топасиз. Айниқса, футбол ва белбоғли кураш тугараклариға қизиқкиш юқори. Рустам Умаров, Шўҳратжон Бозоров, Аҳдажон Ҳамроев каби курашчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги муваффақиятидан сўнг ёшларнинг бу борадаги қизи-

қили янада ортди. Мисол учун, 7-синфда ўқийтган Абдуллазиз Ҳомиджонов белбоғли кураш буйича вилоят биринчилиғида кумуш медални қўлга киритиб, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда чиқайтган бўлса, қоллеж талабаси Ҳусанбой Абдулаев тенгдорлар орасида бокс буйича республика чемпиони бўлди.

Бутунги кунга келиб белбоғли кураш Ер кўррасининг турли бурчакларида жадал омалашаётган ва ривожланаётган замонавий халқаро спорт туриға айланди. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган жаҳон ва қитъа чемпионатларида турли мамлакатларнинг энг сара полванлари гиламга чиқмоқда. Улар орасида Турақурғоннинг «Чусткўприк» маҳалласи вакилларининг ҳам борлиги ҳўуду аҳолисиниға фахр туйғуларини бағишлайд.

Жамшид БЕК «Mahalla»

БОКС

Болгариядан икки медал

Болгариянинг София шаҳрида ўтказилган анъанавий «Strandja Memorial – 2013» халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бир жуфт кумуш медални қўлга киритди.



гей Корнеевни 14:10, мезболар вакили Кристиан Степановни 14:6 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финалда Лондон Олимпиадаси совриндори Тервел Пулевга (Болгария) ютқазган ёш боксчимиз кумуш медал билан тақдирланди.

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар беллашувиде Олим Хусанбоев ярим финал учрашувиде россиялик Абдураҳмон Ширинов устидан 21:20 ҳисобида зафар қўчди. Бироқ финалда болгариялик Александр Александровга ютқазиб, иккинчи ўрин билан қийфоланди.

91 килограмм вази тоифасида рингта чиққан ҳамюртимиз Мирзохид Абдуллаев финалда беларуслик жаҳон чемпионати совриндори Сер-



Энг баланд меҳмонхона

Дубайда дунёдаги энг баланд меҳмонхона ҳисобланмиш «JW Marriott Marquis» меҳмонхонаси очилди.

Балаандлиги 355 метр бўлган иншоотнинг иккита 72 қаватли баланд биноси бор. Уларнинг ташқи кўриниши палъма дарахларини эғалатади. Меҳмонхонада 1608 та хона, 14 та ресторан-бар ва 3000 кишилик қаҳвахона ва фитнесс-клуб бор. 27 февралда унинг фақат битта биноси иш бошлади. Иккинчиси эса 2014 йилда очилди. Меҳмонхона энг аввало ишбилармон сайёҳларға мўлжалланган. У ерда йирик халқаро анжуман ва кўрғазмалар ўтказилиши кутилмоқда.

От гўшти можароси

Швейцариянинг «Nestle» компанияси Италия ва Испания дўконларидаги маҳсулотларининг бир қисмини қайтариб олишға мажбур бўлди.



Бунга айрим маҳсулотларда от гўшти борлиғи сабаб қилиб кўрсатилган. Шу тариқа дунёдаги энг йирик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компания ҳам можароға даҳадор бўлди.

Эслабт ўтави, Брюсселда ўтган февралда учрашувда Европа Иттифоқи давлатлари экспертлари иттифонининг барча мамлакатларида гўшт маҳсулотларида от гўшти бор ёки йўқлиғини аниқлаш учун таҳлил ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Дарё остидаги йўллар

Амударёнинг Туркменистондан оқиб ўтадиган қисмида кўприк қўраётган украиналик курувчилар дарё тағида 500 йиллик тунеллар борлиғини аниқлашди.

Бу тўртта тунелнинг балаандлиғи ва кенлиғи турт метрни ташкил қилади. Дарёдан 4-5 метр чуқурида топилган ушбу тунеллар маҳсулот ташиши учун тузаларни олиб ўтишға мўлжаллангани айтилмоқда. Атамурат ва Керкичи шаҳарларини боғлайдиган янги автомобиль йўли кўприги шу йилнинг 14 февраль кунини фойдаланишға топширилади.

Хаво ёрдамида ҳаракатланади

Франциянинг «PSA Peugeot Citroen» концерни ва «Opel» компаниялари ҳамкорлиғи янги босқичға кутарилиб ўзиға хос лойиҳаларға қўл урилади.



Француз автомобилсозлари «Hybrid Air» модели лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Бу лойиҳанинг эйтиборли томони шундаки, янги модел бензин билан ишлайдиган двигател ва ҳаво ёрдамида ҳаракатланади. Махсум мосламадаги сиқилган ҳаво бензинли двигателға ёрдам бериш билан биргалиқда одадаги ички ёнув двигателға асосланган автомобилларға нисбатан 45 фоз тежамкор бўлади. Қизиғи шундаки, махсум резервуарға ҳаво ҳар қил тормос берилганда тўлиб бораверади ва алоҳида ҳаво тўлдиримлишини талаб қилмайди.

«Hybrid Air» модели 2016 йилда харидорларға етказилиши кўзда тутилган.

Автобус ҳалокати

Кения шимоли-шарқида йўловчилар автобуси ҳалокатга учради. Бунинг натижасида 35 киши ҳалок бўлди. 50 дан ортқ йўловчи ҳалокатланган. Айтилган ҳалокат сабаби сифатида ҳайдовчининг

Интернет материаллари асосида тайёрланди.